



# ШАРҚШУНОСЛИК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИНИНГ  
ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ



1  
2011

# ШАРҚШУНОСЛИК 2011/1

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг илмий журнали

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛӢ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЫМ ВАЗИРЛIGI  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК  
ИНСТИТУТИ НАРИР

ШАРҚШУНОСЛИК  
1992 йилдан чиқа бошлаган

Журнал Узбекистон Республикаси  
Тошкент шаҳар матбуот ва ҳифз буруши  
бошкормаси рӯйхатидан кайта ўтган  
ф. №2-053, 16.01.2007 й.

Бош мухаррир:

А.МАДДИНОВ

Таҳтири хайъати:

Б.АБДУҲАЛИМОВ

Р.АБДУЛЛАЕВ

С.ҲАСАНОВ

Н.ТӮХЛИЕВ

Т.МУХТОРОВ

А.ҚУРОНБЕКОВ

О.ШОМАТОВ

Р.ҲОҶДАЕВА

М.ИСҲОКОВ

А.ИБРОХИМОВ

Д.ПҮЛАТОВА

У.ИДИРОВ

Қ.СОДИКОВ

(масъуд, хотиб)

Г.РИХСИЕВА

(бош мухаррир ўринбосари)

Журнал докторларик ва номзодлик  
диссертациялари юзасидан илмий  
маколалар чөп этишини лозим  
бўлган илмий нашрлар рўйхатига  
Узбекистон Республикаси Олий  
Аттестация Комиссияси  
томонидан киритилган.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаси  
назаридан фарқланниши мумкин.

## МУНДАРИЖА

### ТИЛШУНОСЛИК

Куронбеков А. Форс тилидаги фонетик ўзгаришлар сабаби .....	3
Носирова М. "Иқлид" – гулкосага туғилган сирлар оччиши .....	9
Ҳамидов Х. Турк тилида атоқли отлар иштирокида юзага келган мақол ва изборлар .....	13
Шазаманов Ш. Хитойчча кеңзя шенасининг айрим масалалари .....	19
Аринова З. Араб адабий тилида аниқлик категорияси ..	24
Разакова М. Турк тилидаги хиссий муносабатни билдирувчи кириш сўзлар семантикаси .....	30
Йомиддинов А. Ибн Акийлнинг Ибн Моликнинг "Алфиййа" асарига ёзган шарҳи .....	35
Мулласадикова Н. Балогат илмидаги ийжозининг кўлланилиши .....	38
Косимова С. Ҳамидуддин Даририй "Муқаддима" асари шусхаларининг матни тахлили .....	43
Сагдулаева Д. Араб тили морфологиясида "харфлар"нинг сўз туркуми сифатида кўлланиши .....	49
Ҳасанова М. Реалияларни таснифлаш принципи .....	52
Раджабова М. Муавинас жинсининг морфологик ва семантик белгилари .....	58

### АДАБИЁТШУНОСЛИК

Вели Саваш Йелок. Тарик Бутро хикояларида инсон руҳияти .....	64
Кенжасея П. Ўрхон Камол ижодига хос хусусиятлар ..	68
Абдуллаева Ш. Шарқ мумтоз шеърияти ва Эркин Воҳидовнинг аруддаги маҳорати .....	71
Тешабоева З. "Бобурнома"нинг инглизча таржималарида маколларниң берилishi .....	77

### ТАРИХ ВА ДИНШУНОСЛИК

Тураева С. XIX асрдаги Хива ҳонлиги шаҳарлари истанбуллик сайёҳ талинида .....	79
Шакирова З. Илк ислом даврида Мадина шаҳар – давлати чегараларини ҳимоя килишга қаратилган ҳаракатлар .....	84
Рўзикулов А. Газнавийларнинг ички ва ташки сиёсатида турли диний оқимларга қарши кураш .....	88

Зәйда ТЕШАБОЕВА

## “Бобурнома”нинг инглизча таржималарида маколларнинг берилиши

Хорижий давлатлар билан маданий муносабатлар ривожланиб бораётган бир вактда таржима масалаларини илмий асосда тадқик килиш, таржималар қиймати, савиясини таъминловчи омилиларни белгилаш мухим аҳамият касб этади<sup>1</sup>.

Мумтоз асарлар таржимасида давр руҳи, асарда адабий тил билан боғлик масалаларнинг акс эттирилиши мухим муаммоларданadir.

Муайян бир халқ ўтмишида яратилган ёзма обидани ўзга халқ тилида қайта тиклашнинг ўзига хос мураккаб томонлари мавжуд. Таржимон иш жараёниде таржима услуби жиҳатидан келиб чиқиб ҳамда ўз она тили заҳирасидан фойдаланиб, тарихий-архаик лексикани кўллаш оркали тарихий, миллӣ руҳни тасвирлаб беради.

Таржима қилинаётган асар қаҳрамонларининг тили (миллати) ўзинга хослиги, уларнинг фикр-гоялари, дунёкараши, дини, хаёт тарзи ўзгачалиги билан бошқа миллат аъзоларидан ажралиб туради. Асарнинг муаллифи эса шу миллат вакилларидан бири хисобланади.

Асар муаллифи томонидан ифодаланган макол ва маталлар, образли фразеологик бирликлар, топишмоқлар, тарбиявий эргак ва хикоялар ҳам ўзига хос бўлади. Шундай бўлиши билан бирга, шу каби маколларнинг эквивалент тарзida учрайдиган вариантилари чет тилида ҳам мавжуд бўлади.

Европа халклари томонидан кўп маротаба ўрганилган ва таржима тарихини бошдан кечирган асар “Бобурнома” шарқшунос, таржимашунос олимлар Жон Лейден-Вилям Эрскин томонидан 1826 йилда инглиз тилига биринчи бор таржима қилинди.

1921 йилда таржимашунос ва шарқшунос олима Анетта Сусанна Беверидж хотим “Бобурнома”нинг иккинчи бор инглизча таржимасини амалга оширди. Бу олимлардан ташқари, Ф.Г. Талбот, С.Л. Пул, М.Элфинстон, Х.Лэмб жаноблари ҳам “Бобурнома”нинг инглизчага таржима қилишда қобилиятларини ишга солиб, имкон кадар асар таржималарини амалга оширгандар.

Энг сўнгти таржимон Хилер Текстон “Бобурнома”нинг даврма-давр килинган таржималарини синчиклаб ўрганиб, ҳозирги инглиз тилига таржима қилишга жиддий тайёргарлик кўрди. У “Бобурнома”ни замонавий инглиз тилига таржима қилиб, 1996 йилда нашр эттирди.

Мана шундай ўзинга хос услугда яратилган “Бобурнома”да кўплаб халқ маколлари ўз аксини топган. “Бобурнома”да шундай макол ифодаланади: “Қопудагини қопмаса, қаригунча қайгуур”<sup>2</sup>. Аслида бу макол мазмунини англаб олиш бир оз мушкул. Агарда аслияятга мурожаат қилинса, Бобурнинг ён-атрофидаги бекларидан

Автор солистиканельно изучает  
переводы пословицы в «ба-  
бурноме» английских переводчиков Жон  
Лейден-Вильям Эрскина 1826. Аннетта  
Сусанна Беверидже 1921. Вильер Тек-  
стон 1996.

The author is investigating the transla-  
tion problems of proverbs given in the  
book “Boburnoma” in English trans-  
lations done by John Leyden-William  
Erskine 1826, Anette Susannah Beveridge  
1921, Wheeler Thackston 1996.

<sup>1</sup> Низаров П.Ж. Бакалавр тайёрлашнинг қўйи боскичида немис тилини коммуникатив методика асосида ўқитишида маколлардан фойдаланиш номзодлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2002.

<sup>2</sup> Бобурнома. Захриддин Мухаммад Бобур. – Т.: Шарқ, НМАК, 2002.

бири – Вайс Лоғарийнинг маслаҳати билан душман ортидан бормаганилиги ва бу холатнинг окибати келгусида Андиконни ташлаб чиқишигача сабаб бўлганини назарда тутган. Ушбу маколни узининг хатосига кўра айтилганини кўзда тутади.

“Қопудавини қопмаса, қаригунча қайгурур” маколини инглизча, Жон Лейден-Вилям Эрскин (1826), Анетта Сусанна Бевериж (1921), Хилер Текстон (1996) вариантиларидан кўриб чикамиз.

Лейден-Эрскинда: – (*Turkish*) *He that does not seize what comes into his grasp, Must indulge his regret even to old age, and repine!*. Аввало бизга керакли бўлган лексик бирликлар мазмунини батафсил ўрганамиз: “seize” – босиб олмоқ, эгаламоқ; “grasp” – п. ушрати, чангаличи, в.1. ушламоқ, тутмоқ, 2. туттиб олмоқ. Маколнинг давомидаги гапда бизга керакли бўлган лексик бирлик маъноси: “indulge” – кўнгилчанлик қилмоқ, бўша қўймоқ; “regret” – афсус; “repine” – нолимоқ, зорланмоқ, шикоят қилмоқ, тартибсизликдан нолимоқ мазмунида келтирилади. Демак, маколнинг яхлит таржимаси: “Кимки қўлидагини ушлаб қололмаса, қаригунча кўнгилчанилигидан афсусланиб ва зорланиб юради”.

Анетта Сусанна Бевериж ўзининг таржимасида ҳар бир макол ёки маталинг туркий ва форсий вариантиларини ҳам бериб боради: (*Turkish*) “Who does not snatch at a chance, will worry himself about it till old age” (*Persian couple 1*). *Work must be snatched at betimes. Vain is the slacker's mistimed work*<sup>1</sup>.

Бў ерда ҳам биз керакли бўлган лексик бирликлар мазмунини кўриб чикамиз: “snatch” – ушламоқ, тутмоқ, ётишмоқ, иммоқ мазмунида; “betimes” – ўз вақтида, тез; “slack” – суст, ланж, жуда ҳориган, чарчаган, ҳолдан тойган, дармонсизланған; “slack”дан от ясалган, бу ерда шунда “slacker” сусткаши одам мазмунида келади. Қолган “mistimed work” – қолдиришган иш мазмунида келган. Шунда тўлиқ таржима: “Имкони келганда туттиб қолмаслик, қаригунча ўзини ташинига солиб юради”. Шу билан бирга Анетта Сусанна Беверижнинг иккинчи варианти, форсий тилдаги таржимаси: (*Persian couple 1*). *Work must be snatched at betimes. Vain is the slacker's mistimed work*. Форсий тилдаги “vain” – бехуда, фойдасиз, асоссиз, куруқ маънолари мавжуд. Шунга кўра, форсий вариантининг таржимаси: *Иш ўз вақтида баҳарилниш шарт. Қолдиришган иш сусткаши одамнишне бехуда пушаймонидир*.

Сўнгги таржима Хилер Текстонда: “A proverb says, “If you don't seize what is at hand you will rue it until old age”<sup>2</sup>. Бу ерда ҳам биринчи бор бизга нотаниш лексик бирликларнинг мазмунини аниклаб оламиз: “rue” – раҳми келиши, ачинчи, шафқат. Макол таржимаси: *Макол борки, “Қўлингдагини туттиб қололмасане, қаригунча ачиниб юрасан”*<sup>3</sup>.

Маколнинг уч таржима вариантиларини кўриб чикиб, шундай хуносага келамизки, ҳозирда архаик лексика ҳисобланган, лекин мазмунни шу бугунги кунда ҳам долзарб Захириддин Мухаммад Бобурнинг “Қопудагини қопмаса, қаригунча қайгурур” маколи инглизча маъно товланишлари, мазмунан мутаносиблиги билан фарқидир. Маколнинг таржимаси мазмун ва маъно жихатдан Анетта Сусанна Беверижда кучайтири-

<sup>1</sup> Leyden J., Erskine W. Memoirs of Zehir-Ed-Din Muhammed Baber: Emperor of Hindustan. London-1826.

<sup>2</sup> Beveridge A.S. Babur-nama (in Memoirs of Babur) Translated from the original Turki text of Zahru'ddin Muhammad Babur Padshah Ghazi. –London, 1921.

<sup>3</sup> Thackston W. The Baburnama. Memoirs of Babur, prince and emperor. The modern library New York, 2002.

лади, Лейден Эркинда маъно кенгайтирилади. Текстонда эса торайтирилади. Бобурнинг кенг қамровли мақол ифодаси ўкувчини чукур мулҳаза сари етаклайди. Бу ерда муаллифнинг ҳаётий тажрибаси ва ҳайрати ҳам акс эттирилган. Биз мақоллар таржималарида Анетта Сусанна Беверижкининг варзишнинг аслиятга яқинлиги билан ва мазмунан ҳам Бобур кўзда тутган маънони беришини таъкидлаймиз.

“Бобурнома”нинг таржима тарихини ўрганар эканмиз, мақол таржималарини қизикарли ва баъзи мақол таржималари аслиятта тўғри келмаган жиҳатларини хам кўрамиз. Бу вариант ўкувчини синчиклаб ўрганишга, турли нуқтаи назардан таржимага ёндошишга ундайди.

“Бобурнома”да ифодаланган яна бошка бир мақол бор: “Тоғлари элларига муносиб тушубтур, нечукким, “төңг бўлмагунча, тўши бўлмас” дебтурлар”. Аввало, Бобур ифодалаган бизга нотаниш лексик бирликни яна аниклаб олишимиз керак: “тўши” – 1. кўкрак, ҳайвонине кўкрак ғўшти, 2. дўст. Шунда, бизга мақол маънавий, ижтимоий-сиёсий келиб чиқиш нуқтаи назаридан тенг бўлган ва шундай тенг бўлмаслик бир-бири билан дўст бўлолмасликни назарда тутади.

“Бобурнома”даги “төңг бўлмагунча, тўши бўлмас”ни уч таржимада кўриш чиқамиз. Лейден-Эрскинда: “At the same time, the mountains are worthy of the men; as the proverb says, “A narrow place is large to the narrow-minded”<sup>1</sup>. Мазмунни, “Ақли топ кишишар учун топ жой каттадир”.

Анетта Сусанна Беверижда: “A narrow place is large to the narrow-minded”<sup>2</sup>. Мазмунни юқоридаги таржима варианти билан ўхшашиб.

Ҳилер Текстонда: “They are worthy of their inhabitants, as the proverb says, “There is no noon without dawn.”<sup>3</sup>. Ҳилер Текстон мақолларнинг қофиядош кўринишда учрашига эътибор каратган. У мақолнинг инглизчасини ҳам қофиядошлик усулида таржима қилишга уринган, лекин мақол мазмунни бузилган. У аслиятдаги “тўши” лексик бирлигини ўзбекча “туш”га ўғирган. Аслида мақолдаги сўз, “Тўши” – дўст маъносида, “туш” эса – тушдан кейин, пешин-инглизча “noon”, “afternoon” маъноларини назарда тутган. Энг кискалик ва чиройли қофияга эътибор берган таржимон, Ҳилер Текстон мақол мазмунининг бузилишига олиб келган. Аслида, “төңг бўлмагунча, тўши бўлмас” мақолини биз инглиз тилида: “No equals, never make friends” деб таржима қилган бўлардик.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, мақол таржималари мушкул вазифа, шу билан бирга аслиятдан узоқлашмаслик, унинг таржимасини чет тилда яхлит бера олиш таржимондан жуда катта масъулият талаб этади. Тарихий илмий асар бўлмиш “Бобурнома”да ифодаланган фалсафий мазмундаги хикматлар ва мақоллар чет тили, инглиз тилига яхлит таржима қилиш унданда муҳим аҳамият караб этади.

<sup>1</sup> Leyden J., Erskine W. Memoirs of Zahir-Ed-Din Muhammed Baber: Emperor of Hindustan. –London, 1826.

<sup>2</sup> Beveridge A.S. Babur-nama (in Mémoirs of Babur) Translated from the original Turki text of Zahiri'ddin Muhammad Babur Padshah Ghazi. –London, 1921.

<sup>3</sup> Thackston W. The Baburnama. Memoirs of Babur, prince and emperor. The modern library New York, 2002.